

КАТПУТ МАҲАЛЛАСИДА 30 ТА КҮП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ВА 50 ГЕКТАР МАЙДОНДА КСЗ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Олтиариқ туманиндағи ўрганишлари давомида Катпут МФЙ ҳудудида янги ўзлаштирилаётган майдонларни бориб күрди.

Хозирда адирилкнинг энг юқори қисмидаги 160 метр чуқурликда қудук қазилиб, янги ерларни ўзлаштириш ишлари бошланган. Яна 2 та скважина ковлаш, узум боғ қилиш ишлари жадаллик билан кетмоқда.

Вилоят раҳбари туман сектор раҳбарлари билан сұхбатда 20 сотихдан ёш оиласларга, ишсиз, кам таъминланған фуқароларга бўлиб бериш, кўчат экиш ишларини тезлатиш, туман З-сектор раҳбариға шу жойда штаб ташкил қилиб, З ой муддатда мингта иш ўрни қилиш, ишларни тезлаштириб, 1000 гектар майдон ўзлаштирилиб, у ерда токзор барпо этиш ва Наврӯз байрамига қадар якунлаш ва ёшларга бўлиб бериш бўйича топшириқлар берди.

Туман ҳокими Холмирза Ниёзов 100 гектар майдонда сув чиқариш учун маблағ сўради. Скважиналар учун вилоят махаллий бюджетидан 1 млрд. маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Бундан ташқари, ҳудудда дам олиш маскани очиш таклифи ҳам билдирилди. Бунда 1000 гектар токзор бўлса, дам оловчилар сони ҳам ошишига эришилиши айтиб ўтилди.

Вилоят раҳбари вақт ўтаётганлиги тезроқ кўчатларни экишни бошлаш кераклиги, плёнка тортиб қовун, тарвуз ҳам экиш кераклиги, ҳар бир скважина ёнига ҳовуз ташкил қилиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

Шундан сўнг тумандаги Катпут массивида жойлашган саноат ҳудудига қурилиши режалаштирилган кўп қаватли турар-жой бинолари, 12 гектар майдонда барпо этиладиган Ёшлар кичик саноат зонасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишилди.

Хозирда бу ерда 3 та 5 қаватли 90 хонадондан иборат уйлар қурилиши якунига етмоқда.

Вилоят раҳбари бу йил ушбу ҳудудда 30 та 1 подъездли турар-жойлар қуриш, Янги Ўзбекистон массиви ташкил этиш бўйича бош режа ишлаб чиқиш топшириғини берди.

З-сектор ҳудудидаги Ёшлар кичик саноат зонасида 56 та лойиҳа қилинган, 25 та лойиҳа аукционга қўйилган.

Вилоят раҳбари 1-2-сектор раҳбарлари масъуллигига 50 гектар майдонда кичик саноат зонаси ташкил қилиш ва одамларни бандлигини таъминлаш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-22 21:49:25